

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Ўзбекистон билан IV Моддага мувофиқ  
2011 йилги маслаҳатлар ўтказиш бўйича  
миссия ишининг якунлари тўғрисида баёнот



Халқаро Валюта Жамғармаси миссияси 2011 йилнинг 2-15 ноябрь кунлари IV Модда бўйича маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлигининг ўринбосари Вероника Бакалу хоним раҳбарлик қилди. ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари жаноб Дэвид Оуэн миссия ишининг дастлабки муҳокамаларида иштирок этди ва вазирлик ҳамда идоралар вакиллари учун жаҳон ва минтақа иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари тўғрисида маъруза қилди.

Вероника Бакалу хоним бугун Тошкентда миссия иши якунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

«Ўзбекистон 2000 йилларнинг ўрталаридан жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8 1/2 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатишган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камли-

ги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди.

Ҳисобот маълумотларига кўра, ялпи ички маҳсулот ўсиши 2010 йилда 8 1/2 фоизни ва 2011 йилнинг сентябригача 8,2 фоизни ташкил этган, сўнгги ойларда инфляция бир оз ошган. Хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, ташқи савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ялпи ички маҳсулотнинг юқори даражада ўсиши кузатилди. Бу иш ҳақи ҳамда пенсияларнинг сезиларли равишда ошгани туфайли сақланган ички истеъмолнинг кўпайиши билан боғлиқдир. Инвестиция фаолияти саноатлаштириш давлат дастури доирасида давом эттирилди ва катта ҳажмдаги тўғридан-тўғри хориж инвестициялари билан қўллаб-қувватланди.

Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини прогноз қилмоқда. Ўсиш суръатлари бундан буён ҳам ички истеъмол талабини ва инвестицияларни кўпайтириш бўйича давлат сиёсати ҳамда Ўзбекистон экспорт қилаётган хом ашё товарларнинг (прогнозга кўра, ҳозирги даражада барқарорлашади) юқори нархлари ҳисобига қўллаб-қувватланади. Ташқи иқтисодий ва солиқ-бюджет секторларида кучли позиция сақланиб қолиши кутилмоқда. 2011 йилда кичик корхоналар ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим

2-бетда

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ  
ХОДИМЛАРИНИНГ АТТЕСТАЦИЯСИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 289-сон қарори билан Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари (2012 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади) тасдиқланди.

Чунончи, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари АКТ соҳасидаги фаолиятни тартибга солидиган ва лавозим вазибаларини бажаришга татбиқ этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, электрон ҳужжатлар айланиши тизимида ва электрон рақамли имзо билан ишлаш асосларини, ахборот технологияларини билиши зарур.

Ходим шунингдек шахсий компьютерда фойдаланувчи даражасида ишлаш, идоровий дастурий иловалар билан ишлаш, Интернет тармоғида, локал ва корпоратив тармоқларда ишлаш, электрон ҳужжатлар айланиши тизимидан, электрон почтадан ва электрон рақамли имзодан, ташкилий техникадан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Маъмур талаблар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, АКТ соҳасининг ҳолати ва ривожланишидан, ташкилот эҳтиёжларидан, ташкилот ходимларининг ишда АКТдан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон ютуқлари ва тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ҳужжат ташкилотлар ходимларининг ишда компьютер техникаси ва АКТдан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш масалаларини тартибга солади.

**Малака ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:**

- а) таълим муассасасида малака ошириш бўйича ўқитиш, ўқитувчиларни ташкилотга тақлиф этган ҳолда, электрон манбалар бўйича ўқитиш;
- б) масофадан ўқитиш;
- в) АКТ соҳасида фаолиятни амал-

га оширувчи ташкилотда тажриба орттириш;

г) мустақил равишда ўқиш.

Ҳужжатда шунингдек ташкилот ходимларининг ишда компьютер техникаси ва АКТдан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш юзасидан таълим муассасаларига қўйиладиган талаблар белгиланган.

Чунончи, малака оширишга доир фаолиятни амалга оширишда таълим муассасаси таълим тўғрисидаги маълум ҳужжатларни камида 5 йил давомида сақлаши шарт.

Ташкилот ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларига қўйиладиган талаблар белгиланган.

Қарор билан Давлат ва хўжалик ҳокимияти органлари ходимларининг компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом (2012 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади) тасдиқланди.

Унга биноан, ташкилот ходимлари аттестацияси компьютер саводхонлигини баҳолаш (кейинги ўринларда – КСБ) тизими билан таъминланади, у ташкилий ва методик таъминлашнинг ягона ахборот тизими асосида компьютер саводхонлиги даражасини белгилайди.

КСБ тизими фаолияти компьютер технологияларига ўқитиш соҳасида рақобат муҳитини ривожлантиришга ва ташкилот ходимларининг компьютер саводхонлиги даражасини оширишга кўмаклашиши кераклиги белгиланган.

КСБ тизими тестларини муваффақиятли топширган шахсларга сертификат берилади, у сертификат эгасида компьютер саводхонлигининг зарур минимал даражаси мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади. КСБ тизими сертификатининг амал қилиш муддати — 5 йил. КСБ тизимининг фаолият кўрсат-



тиши Интернет тармоғи воситаси билан аниқ вақт режимида берилган сертификатларнинг мавжудлиги ва ҳақиқийлигини текшириш имкониятини таъминлаши керак.

Низомда аттестация комиссияларини тузиш ва уларнинг ишларини ташкил этиш тартиби, шунингдек аттестацияни ўтказиш муддатлари ва даврийлиги назарда тутилган.

Иш стажига эга бўлган ва ташкилотдаги вакант лавозимга ишга қираётган шахслар 6 ой мобайнида, лекин ишга қабул қилингандан кейин 3 ой ўтгач мажбурий аттестациядан ўтиши шарт. Олий, касб-хунар ва ўрта махсус таълим муассасаларини тугатгандан кейин ташкилотдаги вакант лавозимга ишга қирадиган шахслар ишга қабул қилингандан кейин 1 йил ўтгач мажбурий аттестациядан ўтиши шарт. Вакант лавозимга ишга қираётган ёки бошқа лавозимга ўтаётган шахсда КСБ тизими сертификати мавжуд бўлган тақдирда у сертификатнинг амал қилиш муддатини ҳисобга олган ҳолда аттестациядан ўтказилмасдан ишга қабул қилинади. Ҳомиладор аёллар ва бола 3 ёшга тўлгунгача уни парваришлаш бўйича таътилда бўлган аёллар аттестациядан ўтказилмайди.

Ташкилот ходимлари аттестация ўтказиш режаларида назарда тутилган муддатларда компьютер саводхонлиги даражаси бўйича ҳар 5 йилда 1 марта режали аттестациядан ўтиши шарт.

Ҳужжат билан шунингдек Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиладиган ходимлари лавозимларининг рўйхати (2012 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади) тасдиқланди.

Унга кўра, ходимлар 54 та лавозим бўйича (вазир, давлат қўмитаси раиси ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларигача) аттестациядан ўтказилиши лозим.

Лавозимлари Лавозимлар рўйхатида назарда тутилган ходимлар тегишли сертификат олиш учун 2015 йил 1 январгача аттестациядан ўтишлари лозим.

УШБУ  
СОҲДА

2-бет

3-бет

4-5-бетлар

6-7-бетлар

«Ишловчи пенсионер»  
атамасининг таърифи

Банк бўнак тўловини  
ассосиз ушлаб қолса

Учинчи шахс фойдасига  
воз кечиш қондаларига доир

13-маош борми?

\$1 = 1772,98 сўм

€1 = 2429,08 сўм

£1 = 2848,82 сўм

¥10 = 229,84 сўм

# ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ПРЕСС-РЕЛИЗИ

**1-бетда** ташаббуслар амалга оширилди. Расмий органлар томонидан эътиборга лойиқ чоратдбирлар кўрилди, жумладан: банк кредитларидан фойдаланиш соддалаштирилди, рўйхатга олиш-рухсат бериш процедуралари соддалаштирилди, янги ташкил этилган корхоналарда солиқ инспекцияларини ўтказиш учун мораторий икки йилдан уч йилга узайтирилди, божхона сертификатлаш процедуралари соддалаштирилди.

Макроиктисодий ва молия сиёсатининг самарали чора-тадбирлари ҳисобидан инфляцияни пасайтириш зарурати қисқа муддатли истиқболдаги асосий вазифа ҳисобланади. Ўрта муддатли истиқболда самарадорликни ошириш ва аҳоли кенг қатламларини қамраб олувчи барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳоли жон бошига реал даромадни янада кўпайтириш асосий вазифа саналади. Шу муносабат билан миссия ҳукумат томонидан ўсиб келаётган ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил қилиш ва ижтимоий ҳимояни янада мустақамлаш борасида амалга ошириладиган дастурларни маъқуллайди. Ўзбекистоннинг расмий органлари иқтисодиётни, жумладан, экспортни модернизация ва диверсификация қилиш, хусусий сектор родини кучайтириш бўйича

қатор кенг қўламли дастурларни тўғри амалга оширмоқда. Бундан ташқари, банкларнинг капиталлашувини сезиларли равишда кўпайтириш банк секторини барқарорлаштириш имконини берди ва ривожланишга доир давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашмоқда.

Ушбу дастурларни амалга ошириш борасида муваффақиятга эришиш учун расмий органлар қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириши ва янада мослашувчан алмашув курсига риоя этиши, молиявий воситачиликни янада кенгайтиришга оид чоралар кўриши, айниқса, валюта тизими, солиқ маъмурчилиги, давлат маблағлари ва бошқарувни тартибга солиш бўйича ислохотларни давом эттириши, шунингдек, маълумотлар сифатини ошириши ҳамда уларнинг тарқатилишини такомиллаштириши зарур.

Миссия ХВЖ ходимлари Ўзбекистонга ислохотларни амалга оширишда, жумладан, техник ёрдам кўрсатиш орқали кўмак беришга тайёр эканини таъкидлади.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларига яқин ҳамкорлик ва масалаларни очиқ ва самарали муҳокама қилгани учун миннатдорлик изҳор этади».

**Халқаро Валюта  
Жамғармаси,  
Вашингтон,  
Колумбия округи.  
2011 йил 15 ноябрь.**

Бевосита мулоқот. Тел. 200-00-59.

## ПЕНСИЯЛАР: КИМГА ВА ҚАНЧА?



Таълим муассасамизга махсус курсларни ўтиш учун кўпинча фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича пенсионер мутахассисларни таклиф қиламиз. Уларнинг машғулоти ўқув жадвалида бир йил мобайнида 2 ойгача муддатга мувофиқ келган ва уларда тўлиқ миқдорда пенсия олиш билан боғлиқ муаммолар юзга келмаган. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби ўзгарганлигини эшитдик. «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2011 йил 12 июлдаги 28-сонида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома шартларида ишлайдиган пенсионерларнинг пенсия олишлари хусусидаги савол бўйича Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига асосланиб маслаҳат берилган эди.

Ҳақиқатан ҳам фуқаролик шартномалари бўйича ишлаётган пенсионерлар белгиланган сумманинг 50%и миқдоридан пенсия олишлари керакми, мазкур Низомнинг 8-банди нима учун пенсия тўлашни чеклаш учун асос сифатида кўрсатилган?

Кадрлар бўлимининг инспектори:

– 2011 йил 10 майдан бошлаб янги Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 2222-сон Низом) кучга кирди, у ҳақиқатан ҳам аввалги Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби билан таққосланганда пенсия тўлаш тартибини ўзгартирди.

Фикримизча, ишловчи, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишловчи пенсионерга пенсия тўлашни чеклаш қисмида янги меъёрий ҳужжатни қўллаш учун 2222-сон Низом 2-бандининг иккинчи қисмидан фойдаланиш ўринли бўлади, зеро у барча ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50%и миқдоридан пенсия тўланишини белгилайди, бундан айтиб ўтилган банднинг биринчи қисмида саналган имтиёзли тоифа вакиллари мустасно. «Ишловчи пен-

сионер» атамаси остида одатда Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган давлат пенсияси ва меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлар оладиган жисмоний шахс тушунилади.

Бизнингча, пенсия тўланишини чеклашни 2222-сон Низом 8-бандининг биринчи хатбошиси билан асослаш унчалик тўғри эмас, чунки мазкур банднинг ундан кейинги икки хатбошисида ушбу қоида бевосита татбиқ этиладиган шахслар саналган. Бунинг устига, 8-бандда пенсиялар тўлашни камайтириш тўғрисида эмас, балки тўлиқ тўхтатиш тўғрисида сўз боради, бундан мазкур банд ишловчи пенсионерларнинг ҳаммасига татбиқ этилмайди деган хулоса келиб чиқади.

Пенсия тўлаш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилиш учун сизнинг ташкилотингиз (5 кун ичида) ва пенсионер (боқувчисини йўқотганлик учун оиланинг бошқа аъзоларига


пенсия олувчилардан ташқари) ишга тушиш чоғида бу ҳақда пенсия тайинлаган органни хабардор қилиши шарт (2222-сон Низомнинг 27, 28-бандлари).

2222-сон Низом меъёрларини бир хилда тушунмасликка, фикримизча, меҳнат шартномасидан фарқ қилиб, бир марталик, доимий бўлмаган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича иш-меҳнат муносабати бўлиб ҳисобланмаслиги сабаб бўлган. Агар 2222-сон Низом матнини ўқисак, унда айнан меҳнат шартномасига асосланган меҳнат муносабатлари тўғрисида сўз борапти ва амалда у бошқа ҳуқуқий муносабатларга қўлланмаслиги керак.

2222-сон Низомни қўллашга доир юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш учун унга «ишловчи пенсионер» атамасининг ҳуқуқий таърифини ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишловчи пенсионерларга пенсия тўлашни тартибга солидиган бандни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ИТВ, Ижтимоий сўғурта жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, МХХ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган. 2011 йил 10 майдан ўз кучини йўқотган.

Телефон орқали саволларга экспертимиш Римма СОЛОДОВНИКОВА жавоб берди.



УШБУ СОНДА:

### ✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Халқаро валюта жамғармасининг пресс-релизи

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиш

– Пенсиялар: кимга ва қанча?

– Валюталар курси **1-2-бетлар**

### ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Дам олиш кунида ишлаш

– Қарз қайтарилганда 5 фоизлик бўнак тўлови тўланадими?

– Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди

– Оилавий пудрат

– Қандай қилиб тўғри воз кечиш мумкин

– Муддат – бошқа **3-5-бетлар**

### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Йилдаги энг яхши иш ҳақи

– Қонуний ишдан бўшатиш

– Иккала тарафнинг розилиги билан

– Ички ҳужжатларингизга амал қилинг

– Одам савдосига қарши курашиш

– долзарб масала **6-7-бетлар**

### ✓ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР 8-бет

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	16.11.2011	1	0,7865	1	1,0581	1	0,0256
Арманистон	16.11.2011	1	384,94	1	521,4	1	12,56
Беларусь	17.11.2011	1	8760	1	11800	1	284
Грузия	16.11.2011	1	1,6581	1	2,2446	1	5,408
Қозғистон	17.11.2011	1	148,08	1	200,37	1	4,83
Қирғизистон	17.11.2011	1	46,41	1	62,8315	1	1,5077
Латвия	17.11.2011	1	0,523	1	0,702804	1	0,0169
Литва	17.11.2011	1	2,5656	1	3,4528	10	8,3259
Молдова	16.11.2011	1	11,6822	1	15,8124	1	0,38
Тожикистон	17.11.2011	1	4,7583	1	6,4414	1	0,1557
Ўзбекистон	15.11.2011	1	1772,98	1	2429,08	1	58,08
Украина	16.11.2011	100	798,35	100	1080,3272	10	2,6039
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

## ДАМ ОЛИШ КУНИДА ИШЛАШ

**?** Ходимларни байрам ва дам олиш кунларида ишлашга жалб этиш тартиби қандай? Бунинг учун ишланмайдиган кун (отгул) олиш мумкинми, бу қандай қилинади.

Феруза А.

– Дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларида ишлатиш қоидага кўра тақиқланади (Меҳнат кодексининг 130, 132-моддалари, бундан кейин – МК).

Мутлақо тақиқлаш қуйидагиларга татбиқ этилади:

**18 ёшга тўлмаган ходимларга** (МКнинг 245-моддаси);

**ногиронларга, уларнинг розилигисиз** (МК 220-моддасининг бешинчи қисми);

**ҳомиладор аёллар ва 14 ёшгача (ногирон болалари бўлса – 16 ёшгача) болалари бўлган аёлларга, уларнинг розилигисиз** (МКнинг 228-моддаси).

Ногирон, ҳомиладор аёл ва 14 ёшгача (ногирон болалари бўлса – 16 ёшгача) болалари бўлган аёлларни иш берувчи унинг саломатлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек дам олиш ёки байрам кунда ишлашдан воз кечиш ҳуқуқи борлигидан огоҳлантириб (тилхат олган ҳолда) ишга жалб этишга ҳақлидир.

Бошқа ҳолларда корхона ходимларини байрам кунларида ишлашга қонун бўйича жалб этиш мумкин.

Умуман олганда айрим ходимларни байрам ва дам олиш кунларида ишлашга иш берувчининг фармойишига биноан жалб этишга фақат **фавқулодда ҳоллардагина** жамоа шартномасида белгиланган, агар у тузилмаган бўлса – иш берувчи касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда белгилайдиган асослар ҳамда тартиб бўйича йўл қўйилади.

**Бунда иш берувчи ўз қарорини ёзма фармойиш билан расмийлаштириши керак.**

**Хатто сизнинг розилигингиз бўлмаса ҳам**, ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга (узлуксиз ишлайдиган корхоналар, объектларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

**Иш узлуксиз олиб бориладиган** ташкилотларда иш берувчи сизнинг розилигингизни олишга мажбур эмас, чунки сиз меҳнат шартномасини тузиш чоғида ана шундай меҳнат шартларига розилик билдиргансиз. Бироқ сизнинг дам олиш кунларингизга (жадвал бўйича) ушбу қоида татбиқ этилмайди, улар берилиши керак.

Дам олиш ва байрам кунларида меҳнатга ҳақ тўлашга келсак, у юқори бўлиши керак. **Байрам ёки дам олиш кундаги ишга камида икки баравар миқдорда ҳақ тўланади** (МКнинг 157-моддаси).

Ушбу қоидаларни ҳисобга олиб, тўланмайдиган ҳақнинг аниқ миқдорлари жамоа шартномаси билан белгиланади, агар у тузилмаган бўлса – иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда белгиланади.

Сиз иш берувчидан дам олиш учун бошқа кун берилишини сўрашингиз мумкин. Бундай ҳолда сизнинг ишингизга бир баравар миқдорда ҳақ тўланади, берилган дам олиш кунига эса ҳақ тўланмайди.

Иш берувчи **ўзининг ташаббуси билан** сизга юқори ҳақ ўрнига дам олиш кунни бера олмайди, бунда сизнинг хоҳишингиз лозим. Бунинг учун:

иш берувчи билан дам олиш (отгул) кунини келишиб олиш ва сизга ишланган кун ўрнига бошқа дам олиш кунни берилиши тўғрисида ариза ёзиш лозим;

иш берувчи буйруқ чиқариши керак, унга асосан сиз ўз отгулингиздан фойдалана оласиз.

**Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,**  
**«Норма» МЧЖнинг юридик мавзудаги**  
**эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш**  
**бўлими катта эксперти.**

**?** МЧЖ (ХХТУТ бўйича коди 71500) ЯСТ тўловчиси ва кичик бизнес субъекти ҳисобланади, асосий фаолияти – консалтинг хизматлари кўрсатиш, улгуржи савдога лицензияси бор. Улгуржи савдо фаолиятининг улуши компания ялпи даромади умумий ҳажмининг 20%ини ташкил қилади. Солиқлар бўйича қарзлари йўқ, бюджетга солиқ ажратмаларини ўз вақтида тўлиқ ўтказди.

Даромадларини кўпайтириш ва хўжалик фаолиятини ривожлантириш мақсадида МЧЖ шартнома бўйича бошқа кичик бизнес субъектига ўзининг бўш оборот маблағларидан қайтариш асосида (қарзга) вақтинчалик молиявий ёрдам кўрсатган, бу жамият уставида назарда тутилган ва республиканинг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган.

Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом чиқиши муносабати билан ўз ҳаракатларимизнинг қонунийлиги ва юқорида кўрсатилган операция (қайтариш асосида (қарзга) вақтинчалик молиявий ёрдам) ва компания кўрсатадиган, савдо операциялари ҳисобланмайдиган хизматлар учун хизмат кўрсатувчи банкнинг бюджетга 5 фоизлик бўнак тўловини ушлаб қолиш тўғрисидаги талабининг тўғрилиги ҳақида савол юзага келди.

Хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳаракатлари тўғрилиги ёки тўғри эмаслигини тушунтириб берсангиз.

Б.Ҳожиолимов,  
бош директор.

**?** МЧЖ қуйидаги масалани ҳал этишда ёрдам беришингизни сўрайди. Молия вазирлиги, ДСҚ ва МБ бошқарувининг қарори билан Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритилган. Корхонамизнинг асосий фаолият тури – улгуржи савдо. 2010 йилда ташкилотимиз чет ташкилотга илгарироқ ЯСТ тўланган пул маблағларидан молиявий қарз кўринишида молиявий ёрдам кўрсатган. Молиявий қарз шартномасига мувофиқ ташкилот бизга қарзни ундан тўланган асосий ҳисоб-китоб рақамимизга қайтаряпти. Хизмат кўрсатувчи банкда бизга маълум қилишларича, юқорида кўрсатилган қарорга мувофиқ ташкилот қарзни улгуржи савдо учун очилган махсус ҳисобрақамга қайтариши керак, тегишинча, ушбу суммадан ЯСТ бўйича бўнак тўловларини такроран тўланади.

Молиявий қарзнинг улгуржи савдога қандай дахли бор? Молиявий қарзнинг қайтарилиши корхонанинг даромади ҳисобландими ва биз корхонанинг ўз маблағларидан молиявий қарз тарзида вақтинча ажратилган пул маблағларидан ЯСТ бўйича бўнак тўлови тўлашимиз шартми? Қарз суммасига ЯСТ такроран ҳисобланганлиги оқиба-тида ташкилотда солиқ бўйича ортиқча тўлов юзага келади, бу эса корхона оборотидан пул маблағларининг чиқарилишига олиб келади. Биз эса асоссиз зарар кўра-миз, чунки ушбу маблағларни корхонанинг эҳтиёжлари учун жалб этса бўларди.

А.Урисов, директор.  
Ф.Шакурова, бош бухгалтер.

## ҚАРЗ ҚАЙТАРИЛГАНДА 5 ФОИЗЛИК БЎНАК ТЎЛОВИ ТЎЛАНДИМИ?

– Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 732-моддасига кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган) 2-бандининг учинчи хатбошисига берилган улгуржи савдо таърифидан айрилишича, улгуржи савдо – тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш. Бинобарин, **қарз улгуржи савдога ҳеч қандай дахлдор эмас.**

2-сон БХМСнинг<sup>1</sup> (АВ томонидан 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 6.1-бандига мувофиқ асосий хўжалик фаолиятдан даромад ўзининг капиталини кўпайтиришга олиб келадиган тушумлардир. **Молиявий қарзни қайтариш даромад ҳисобланмайди**, балки ФКнинг 732-моддасидаги каби, ўзининг хусусий маблағларини қайтаришига холос.

Солиқ кодекси (СК)нинг 355-моддасида қайд этилган ЯСТ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига киритилмайдиган тушумлар рўйхатида қарз мавжуд эмас, шу сабабли **қарз маб-**

**лағларини қайтаришга ЯСТ солин-**майди, демак, **ушбу маблағлардан бўнак тўловлари ҳам тўланмайди.** Бундан ташқари, Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори (2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон) 5-банди учинчи хатбошисига кўра улгуржи савдо корхоналари **фақат савдо операциялари бўйича** ягона солиқ тўловига доир бўнак тўловларини тўлайдилар.

Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ томонидан 2010 йил 14 январда 2065-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 12-бандига қуйидаги ҳисобрақамларга **келиб тушмайдиган** маблағларнинг батафсил рўйхати кўрсатилган: 22624-«Акцизланадиган товарларнинг айрим турларини реализация қиладиган юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари», 22626-«Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» – бошқа товар турларини реализация қиладиган улгуржи савдо корхоналари учун. **Мазкур рўйхатда қарз мавжуд эмас.** Бинобарин, мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ қарз мақсадли ҳисобрақамга қайтарилиши керак, у ердан мазкур маблағлар тўлалигича юридик шахснинг асосий ёки иккиламчи талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақамларига ўтказилади.

**Банк келиб тушган маблағларнинг манбаини текшириши керак.** Қуйидагилар қарз битими бўйича маблағлар олинганлигининг исботи бўлиб хизмат қилади:

1) қарз шартномаси;  
2) тўлов топшириқномаси тўлов тафсилотлари тўғрисидаги ёзувлар (АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга 2-илова).  
Агар ЯСТ бўйича бўнак тўловлари банк томонидан қайтарилган қарз маблағларидан асоссиз ушлаб қолинган бўлса, солиқ тўловчи СК 57-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ инспекциясига ортиқча тўланган ЯСТ суммаларини қайтаришлари ёки уларни бўлғуси тўловларни тўлаш ҳисобига киритишлари тўғрисида ёзма ариза топширишга ҳақлидир.

ЯСТ бўйича бўнак тўловлари асоссиз ушлаб қолинган тақдирда корхона банк устидан хўжалик судига қонун ҳужжатлари билан белгиланган маблағларни ҳисобрақамдан ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1%и ҳажмида банкни жавобгарликка тортиш тўғрисида даъво аризаси беришга ҳақлидир (АВ томонидан 2001 йил 30 июнда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 6-бандининг биринчи хатбошисига).

Фаррух ШОДИЕВ,  
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий  
масалалар бўйича стажёр  
эксперти.

<sup>1</sup>«Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар».

# ҚОНУНИ БИЛМАСЛИК ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛМАЙДИ

**?** Биз ҳокимлик ҳузуридаги инспекцияга 20% миқдорида улушнинг ўтиши муносабати билан таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилдик. Уерда бизга айтишларича, биз аввал монополиядан чиқариш органининг олдиндан розилиги ёки унинг бизга бундай розилик керак эмаслиги тўғрисида маълумотномасини тақдим этишимиз керак экан. Биз монополиядан чиқариш органига мурожаат қилдик. Ҳужжатларни кўриб чиқаётганда монополиядан чиқариш органининг ходими бизга жарима тўлашимиз кераклигини, чунки 2010 йилда 40% миқдоридаги улушни харид қилиш муносабати билан ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказганлигимизни айтди. Бироқ инспекция талаб қилган барча зарур ҳужжатларни тақдим этгандик. Бизга монополиядан чиқариш органининг розилиги ҳам кераклигини билмагандик.

МЧЖ иштирокчиси.

– Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг<sup>1</sup> 6-бандига биноан таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишда хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортигини олиш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш учун монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш зарурлиги тўғрисида инвесторни ёзма равишда хабардор қилишга мажбурдирлар. Бироқ кўпинча амалиётда рўйхатдан ўтказиш органининг ходимлари тадбиркорларни ушбу мажбурий таомилдан хабардор қилмаганлар. Ҳозирги вақтда монополи-

<sup>1</sup>Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг АВ томонидан 2009 йил 5 февралда 1896-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган. 2009 йил 15 февралдан кучга кирган.

<sup>2</sup>1996 йил 27 декабрдаги 355-1-сон.

ядан чиқариш органининг олдиндан розилигини олишга катта эътибор берилмапти. Энди рўйхатдан ўтказиш органларининг ходимлари инвесторлардан олдиндан розиликни ёки розилик олиш талаб қилмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни тақдим этишни талаб қиляптилар.

Бироқ, саволга қайтсак, тадбиркорлар ушбу таомил тўғрисида билишлари ҳақиқатан ҳам мушкул бўлганлигига қарамай, улар барибир қонун меъёрларини бузганлар. Чунончи, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>2</sup> 15-моддасига ва юқорида кўрсатилган Йўриқномага кўра **баъзи ҳолларда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари-**

нинг акциялар, улушларни харид қилишга олдиндан розилигини олишнинг шартлиги назарда тутилади. Хусусан, бундай розилик бир шахснинг, бир гуруҳ шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг акцияларини, устав капиталидаги овоз ҳуқуқига эга бўлган улушларини олишида лозим, бунда ушбу шахс, бир гуруҳ шахслар шахсларнинг тегишли битимида иштирок этаётган активларнинг жами баланс қиймати ЭКИХнинг 4 000 бараваридан ошган ҳолларда мазкур акциялар, улушларнинг 35%дан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олади.

Қонун ҳужжатларини билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди.

Агар тадбиркор уни ихтиёрий равишда тўлашга рози бўлмаса, жарима фақат суд тартибида қўлланиши мумкин. Уни қўллаш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан эса суд барча ҳолатларни, шу жумладан рўйхатдан ўтказиш органлари, биринчидан, инвесторни розилик олиш тўғрисида хабардор қилишлари, иккинчидан эса, розилик тақдим этилмаган ёки олинмаган тақдирда рўйхатдан ўтказишдан бош тортишлари керак бўлганлигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Мария ТУХТАРОВА,  
«APRIORI LIBERUM» АК адвокати.

## ОИЛАВИЙ ПУДРАТ

**?** «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2011 йил 25 январдаги 3 (288)-сонидан чоп этилган «Рўйхатдан ўтказувчи ноҳақ» мақоласини ўқиб жуда хурсанд бўлдим, ҳуқуқий мавзулардаги бундай мақолаларнинг чоп этилиши баъзи муаммоларни осон ҳал этишда ёрдам беради. Мен ҳам муаммага дуч келдим, уни ҳал этишда сиздан ёрдам сўрайман.

Мен ва турмуш ўртоғимнинг Қарши шаҳрида турли хусусий корхоналаримиз бор. Тошкент шаҳрида улгуржи харид қилинган товарлар Қарши шаҳридаги корхоналарга турмуш ўртоғимнинг корхонасига қарашли бўлган «Форд Транзит», «Исузу» юк автомашиналарида ташилади. Йўлда назорат қилувчи органларнинг ходимлари автомашиналар ва юк ҳужжатларини текшириш чоғида ҳайдовчилардан лицензия талаб қиладилар, чунки юкнинг бир қисми менинг хусусий корхонамга тегишлидир.

Мен корхонага тегишли юкни турмуш ўртоғим корхонасининг автомашиналарида ташиш (юкни ташиш ҳуқуқига лицензиясиз) ҳуқуқига эгаманми?

Д.Шарипова,  
ХК директори.

– Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига 1-илова) мувофиқ турмуш ўртоғингиз корхонасининг автомашиналари сизнинг корхонангиз юкларини ташиб, тижорат ташишларини амалга оширади, шу боис мазкур фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиш зарур. Оилавий муносабатлар мазкур ҳолда аҳамиятга эга эмас.

Ўзининг юкни ташиш учун юкларни ташишга лицензия керак эмас. Лицензия олмаслик учун қонун Фуқаролик кодексининг 564–572-моддаларига мувофиқ турмуш ўртоғингиз корхонаси билан сизнинг корхонангиз ўртасида экипажсиз транспорт воситаларини ижарага олиш шартномасини тузиш имконини беради. Экипажсиз транспорт воситасини ижарага олиш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарачига транспорт воситасини вақтинча эгаллик қилишга ва уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатмасдан фойдаланишга ҳақ эвазига тақдим этади. Ушбу ҳолда корхонангиз ҳайдовчини ишга таклиф қилиб ва у билан меҳнат шартномаси тузиб, ўзининг юкни турмуш ўртоғингиз корхонасига қарашли бўлган автомашиналарда лицензиясиз ташиши мумкин.

Мазкур шартномани тузишда солиқ оқибатларини ҳисобга олиш керак.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.


## Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

## КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ



Буюртмачи, бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ўртасида мажбуриятлар бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, қандай шартларда?  
МЧЖ бош бухгалтери.

– Фуқаролик кодексининг (ФК) 313–317, 319–321-моддаларида, Олий хўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» қароридан (2003 йил 28 февралдаги 110-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

назарда тутилган қоидаларга риоя этилганда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш қонунийдир.


Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш операциясини (цессияни) ўтказиш чоғида куйидаги бир қатор асосий шартларни ҳисобга олиш муҳимдир.


**1. Агар у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, унга йўл қўйилади (ФК 319-моддаси-**

нинг биринчи қисми). Агар шартномада талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимини бажариш тақиқланиши тўғридан тўғри назарда тутилган бўлса, тегишинча, битим тузиш мазкур ҳолда Фуқаролик кодексининг талабаларига жавоб бермайди. Шунингдек мажбуриятларнинг тегишли тури бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга тақиқлар мавжудлиги эҳтимоли бобида айрим қонун ҳужжатлари мазмунини билиш муҳимдир.

**2. Айрим қонун ҳужжатлари, цессиянинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги битим, ФК 355-моддаси учинчи қисмининг маъносидан келиб чиқилганда, ҳақ эвазига тузилиши тахмин қилинади.**

**3. Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги та-**





**?** *Хўжалик судининг 1998 йилдаги ҳал қилув қарори билан жамиятимиздан қарзнинг асосий суммаси ва тўловни кечиктирганлик учун пеня ундирилиши керак.*

*Қарор қонуний кучга кирган. Суднинг ҳал қилув қароридан кейин жамият қарзнинг асосий суммасини узди. Пеняни ундириш қисмида эса ундирувчи бизга хизмат кўрсатувчи банкка инкассо топшириқномасини ижро варақаси билан бирга ўз вақтида тақдим этди, у 2-сон картотекага жойлаштирилди.*

*2-сон картотека бўйича барча тўловларни қондириш учун ҳисобкитоб рақамидаги пул маблағлари етишмаслиги сабабли ундирувчининг инкассо топшириқномасига ҳозиргача ҳақ тўланмаган.*

*Ҳозирги вақтда текширувчи солиқ органлари бизни инкассо топшириқномасида кўрсатилган пеня суммасини 19-сон БХМС «Инвентарлашни ташкил қилиш ва ўтказиш»нинг талабларига мувофиқ даъво қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан ҳисобдан чиқармаганликда айблашпти.*

*Солиқ органларининг талаблари қонунийми?*

ОАЖ юристи.

## МУДДАТ – БОШҚА

– Мазкур ҳолда пеня суммаси корхонангизнинг даромади ҳисобланмайди.

Солиқ кодексининг (СК) 136-моддасига кўра мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадларга фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар киради. **Сизнинг ҳолатингизда даъво муддати ўтмаган**, чунки контрагентингиз судга даъво тақдим этган. **Шу сабабли пеня суммаси**, СК 136-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ **ҳисобдан чиқарилмайди ва даромадга қабул қилинмайди ҳамда унга солиқ солинмайди**. Бундан ташқари, қарздор қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида тўлайдиган пеня суммаси СК 132-моддасининг 12-бандига асосан ундирувчининг даромади ҳисобланади.

**Ижро ишини юритишда** Фуқаролик кодексининг (ФК) 150-моддасида назарда тутилган

**даъво қилишнинг 3 йиллик муддати қўлланмайди**, чунки:

а) ФК 2-моддасининг олтинчи қисмига кўра, бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсуннишига асосланган мулкый муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. На «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 29 августдаги 258-II-сон), на ижро ишини юритиш соҳасидаги бошқа меъёрий ҳужжатлар ушбу муносабатларда фуқаролик қонунчилигини қўллашни назарда тутмайди;

б) кўрсатилган Қонунда ижро ишини юритиш бўйича муддатлар тартибга солинган. Чунинчи, унинг 30-моддасида белгиланишича, ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари

ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан 2 ой муддат ичида суд ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак.

Бунда ушбу Қонун 30-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилишича, ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатининг ўтиши ижро иши юритишни тугатиш ёки тамомлаш учун асос бўлмайди. Яъни **ташкilotингиз талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамидан пул маблағлари сиз пенянинг бутун суммасини тўлиқ узгунга қадар ёки қонун билан назарда тутилган бошқа асослар бўйича ижро иши юритилишини тўхтатгунга қадар ундирилиши керак.**

**Фаррух ШОДИЕВ,**

**«Норма» МЧЖнинг**

**ҳуқуқий масалалар бўйича**

**стажёр эксперти.**

## ТЎҒРИ ВОЗ КЕЧИШ МУМКИН

**лаб қилинмайди** (ФК 313-моддасининг иккинчи қисми). Шу тариқа, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида аниқ тузилган шартнома (етказиб бериш, пудрат ва ҳоказо шартномалар) мазмунидан келиб чиқиш ва унда кредиторга (цедентга) ўзига тегишли бўлган талабни қарздорнинг розилигисиз битим бўйича бошқа шахсга (цессионерга) бериш имконини бермайдиган қоидаларнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Шунинг ҳам ҳисобга олиш муҳимки, ФК 319-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. Қонунда бундай «муҳимлик» мезонлари кўрсатилмаган, шу сабабли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишнинг имконияти баҳоланаётганда кредиторнинг қарздор билан ўзаро муносабатлари хусусиятидан келиб чиқиш ва улар кредиторнинг алмашили-

ши қарздорнинг бизнес бўйича ҳамкорлари ва (ёки) рақобатчилари ўртасидаги мавқеига салбий таъсир кўрсатмаслигини аниқлаш тавсия қилинади. Ҳар қандай ҳолда қарздорнинг розилигисиз талабни бошқача беришнинг тўғрилиги хусусида низо чиққанида кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ёки эга бўлмаган «алоҳида муносабатлар»нинг бор-йўқлигини исботлаш юки иккала тараф зиммасига юкланади. Бу Хўжалик процессуал кодекси 55-моддасининг биринчи қисмидан келиб чиқади, унда ишда иштирок этаётган ҳар бир шахсининг ўз талаблари ва эътирозларига асос сифатида келтираётган ҳолатларни исботлаш мажбурияти белгиланган.

**4. Кредитор талабининг бошқа шахсга ўтганлиги тўғрисида қарздорни албатта ёзма равишда хабардор қилиш.** Мазкур шартни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари ФК 313-моддасининг учинчи қисмида келтирилган: янги кредитор шу туфайли келиб чиққан, ўзи учун нохуш

оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Кўрсатилган ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади. Шунинг қайд этиш лозимки, Фуқаролик кодексидан кредитор талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиши тўғрисида фақат кредитор хабардор қилиши кераклиги хусусида кўрсатмалар мавжуд эмас. Тегишинча, хабарномани кредитор ҳам, битим бўйича талаб ўзига ўтган шахс ҳам юбориши мумкин.

**5. Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги қоидалар регресс талабларга нисбатан қўлланилмайди** (ФК 313-моддасининг тўртинчи қисми).

**6. ФКнинг 315-моддасига кўра**, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, **дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади**. Хусусан, янги кредиторга мажбуриятнинг бажари-



рилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга ҳуқуқ ҳам ўтади.

**7. Ҳуқуқ битим бўйича ўтадиган шахсга кредиторга талабнинг тегишлилиги легитимлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилиши керак** (ФК 316-моддасининг биринчи қисми).

**8. ФКнинг 317-моддасига кўра**, қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтида дастлабки кредиторга қарши эътирозларини янги кредиторнинг талабига қарши қўйишга ҳақли.

**Артём МОКШИН,**  
**«Норма» МЧЖ эксперт**  
**юридик хизматининг бошлиғи.**

*Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузиш ҳақида батафсил тавсиялар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида берилган.*

# ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ ИШ ҲАҚИ

Йил учун йил якунлари бўйича тақдирлаш ёки биз «13-иш ҳақи» деб аташга одатланган ҳақ, кўп амалиётчиларнинг фикрича, ташкилотда кадрлар кўнимсизлигини камайтириши мумкин. Мазкур мақолада биз йил учун корхона ишининг якунлари бўйича тақдирлаш тизимини қандай қилиб барпо этиш тўғрисида тавсияларни таклиф қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида «13-иш ҳақи» тушунчаси мавжуд эмас. Уни тўлаш шартлари ва миқдори бирорта ҳам қонун ҳужжатида белгиланмаган. Аввалгидек «13-иш ҳақи» деб номланган ҳақ бир йил учун иш якунлари бўйича тақдирлаш (бундан кейин – тақдирлаш) ҳисобланиб, ходимларнинг корхона ишининг пировард

(МКнинг 73-моддаси);  
жамоа шартномасида (МК 153-моддасининг иккинчи қисми);  
тақдирлаш тўғрисида низомда (МК 153-моддасининг иккинчи қисми) қайд этиш мумкин.  
Аввало ўзингиз учун йиллик иш якунлари бўйича тақдирлаш нималигини аниқлаб олишингиз лозим.

## Иш берувчи айрим ходимлар учун тақдирлаш миқдорини кўпайтириши мумкин

У тўланадиган календарь йилда меҳнат фаолиятида энг юқори кўрсаткичларга эришганларга белгиланган тақдирлаш миқдорининг 50%га қадар кўшимча тақдирлаш ҳақи белгиланади.

натижаларига шахсий меҳнат ҳиссаси учун уларни рағбатлантирувчи тусдаги тўловларга киради (Солиқ кодексининг 173-моддаси).

Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотлардан ташқари, мулкчиликнинг нодавлат шаклларига мансуб ташкилотларда меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади (Меҳнат кодекси 153-моддасининг иккинчи қисми, бундан кейин – МК). Бу билан Тақдирлашларни тўлаш тўғрисида низом юқорида кўрсатилган тартиб бўйича, **корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда** қабул қилинади.

Тақдирлаш ҳақини тайинлаш тартибини:

меҳнат шартномасида

У рағбатлантирувчи тўлов бўлиб, унинг миқдори ходим олган иш ҳақига боғлиқ бўлади ва мазкур корхонада узлуксиз иш стажи қанча давом этганлигини ҳисобга олади.

**Тақдирлашни тўлаш тўғрисида низомда** куйидаги жиҳатларни акс эттиришни таклиф қиламиз.

**Кўрсаткичлар.** Ҳар бир иш берувчи уларни мустақил равишда белгилайди, зеро улар ташкилотнинг фаолият тури ва ходимларнинг меҳнат функциясига бевосита боғлиқдир. Куйидаги кўрсаткичлар энг кўп тарқалган, масалан:

режани бажариш (**ошириб бажариш**);

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш;

янги техника ва технологияларни ўзлаштириш;

моддий ресурсларни тежаш ва ҳоказо.

**Ходимлар рўйхати.** Рўйхатга одатда штатдаги барча ходимлар, баъзан эса ташқи ўриндошлар ҳам киритилади. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича

ижрочилар иш берувчи билан меҳнат муносабатларида турмайдилар, шу сабабли улар мазкур рўйхатга киритилмайди.

Ходимлар рўйхатини шакллантираётиб, иш берувчи меҳнат муносабатларини 31 декабргача тугатган ходимларга тақдирлаш ҳақи тўлаш мумкин ёки мумкин эмаслигини ҳал қилиши керак.

Айрим ҳолларда тақдирлаш ҳақи мазкур корхона штатида (рўйхат таркибида) турмаган ходимларга тўланиши мумкин. Бунга соғлиқни сақлаш пунктлари, маданият уйлари, кутубхоналар ва ҳоказолар киради.

**Интизомий жавобгарликка тортилган ходимлар тақдирлашдан тўлиқ маҳрум этиладилар** (МКнинг 180-моддаси).

Ҳар бир ходим меҳнатининг натижалари аниқланадиган ҳисоб даври бўлиб календарь йил – **1 январдан 31 декабргача** ҳисобланади, шу сабабли тақдирлаш ҳақи одатда кейинги йилнинг бошланишида тўланади.

Уни тўлаш учун узлуксиз ишнинг энг кам стажини қоидага кўра 1 йил деб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Тақдирлаш ҳақини календарь йилда тўлиқ ишлаган ходимлар оладилар. Иш берувчи айрим ходимлар учун улар ишининг натижалари, аниқ ишлаб чиқариш камчиликлари, меҳнат интизоми бузилишига боғлиқ равишда тақдирлаш ҳақи миқдори камайтирилиши, кўпайтирилиши ёки тўланмаслиги асосларини назарда тутиши мумкин.

Ходимларга тақдирлаш ҳақи календарь йилнинг 31 декабри



## Тақдирлаш тайинланмайдиган сабабларнинг намунавий рўйхати

Бундай сабабларга, мисол учун, молиявий, солиқ, меҳнат, ижро интизомларини бузиш, ходимнинг ички меҳнат тартиб, мансаб йўриқномаси қоидаларига риоя этмаслиги, техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланган шу сингари ҳолларда иш берувчининг бевосита кўрсатмасини бажаришдан бош тортишни киритиш мумкин (МКнинг 182-моддаси).

ҳолатига кўра иш берувчи чиқарадиган буйруқ асосида тўланади, унда тақдирлаш ҳақини тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарилган кунда штатда (рўйхат таркибида) турган ходимларга тўлиқ календарь йил учун тўлиқ миқдорда тақдирлаш ҳақини тўлаш тўғрисидаги қарор кўрсатилади. Шунингдек:

календарь йилда меҳнат муносабатларида энг юқори кўрсаткичларга эришган, уларга кўшимча тақдирлаш тўлови белгиланадиган;

тўлиқсиз календарь йил учун тақдирлаш ҳақи тўланадиган (меҳнат шартномасини узрли сабаблар – ўқув юртига кириш,

пенсияга чиқиш, сайланадиган лавозимга сайланиш ва бошқа ҳоллар бўйича бекор қилиш муносабати билан), тақдирлаш ҳақи тўланадиган даврни кўрсатган ҳолда;

тақдирлаш миқдори камайтирилган, камайтириш миқдорини фоизларда ва уни камайтиришнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда;

тақдирлаш ҳақини тўлашдан бутунлай маҳрум этилган, аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда, ходимларнинг рўйхатини келтириш шарт.

Ходимларга тақдирлаш ҳақи тўланиши учун календарь йилда меҳнат шартномаси (контрак-

## Ходимга тақдирлаш миқдорини пасайтириш учун намунавий асослар:

раҳбарият топшириқлари ёки лавозим вазибаларини бажаришнинг белгиланган муддатларига риоя қилмаслик, узрли сабабларсиз уларни сифатсиз бажариш;

ижро интизомининг етарли даражада бўлмаслиги;

ҳужжатлар билан ишлаш ва раҳбарларнинг топшириқларини бажаришнинг етарли сифатда бўлмаслиги; меҳнат тартиби талабларига риоя этмаслик ва ҳоказо (**интизомий жазо чораларини қўлламасдан**).

## Реклама



ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

## ИШ БЕРУВЧИГА ҚўЛЛАНМА

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

ти) бўйича ишлаш вақти ҳисобга олинади, бундан иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътиллари, болани парвариш қилиш таътиллари ва ҳоказоларда бўлган даврлар мустасно.

Иш берувчининг буйруғи сабабларни албатта кўрсатган ҳолда чиқарилади.

Низом бўйича тўлов манбаи бўлиб ўтган йил учун молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича корхона тасарруфида қоладиган фойда ҳисобланади.

Тақдирлаш ҳақи қандай ҳисобланади? Иш берувчи, масалан, стажга боғлиқ ҳолда йиллик иш ҳақи ёки ходимнинг маошидан фоиз ставкасини, маош миқдорида тақдирлаш ҳақи ва ҳоказоларни белгилаши мумкин.

Агар сизда мукофотлаш ёки иш ҳақи тўғрисида Низом мавжуд бўлса, алоҳида ҳужжат тузмай, балки тақдирлаш шартларини ушбу ҳужжатларга илова сифатида киритиш мумкин. Шунингдек улар билан жамоа шартномасини тўлдириш мумкин. Бироқ шуни ҳисобга олиш жозизки, жамоа шартномасини ўзгартириш таомили анча мурраккаб – меҳнат жамоаси вакиллари билан музокаралар олиб бориш лозим (МКнинг 31, 32-моддалари) ва қўшимча ишланган лойиҳа унинг йиғилиши (конференцияси) маъқуллашига киритилади.

Раҳбар тасдиқлаган Низом билан барча ходимларни улардан тилхат олган ҳолда таништириш керак.

## ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАРИНГИЗГА АМАЛ ҚИЛИНГ

**Қорхона ходимнинг асосий вазифасига қўшимча сифатида унга яна бошқа вазифани юклаб, буни бажарганлик учун (10, 20, 30 фоиз ва ҳоказо) қўшимча тўловларни амалга оширмақда.**

**Ходимга ойлик мукофотлар тўланишида унинг фақат асосий ойлик маошидан келиб чиқадими ёки қўшимча вазифани бажарганлик учун олаётган иш ҳақи ҳам ҳисобга олинандими?**

**Эргашали Кузиев, бухгалтер. Фаргона вилояти.**

– Меҳнат кодексининг 160-моддасида ходим ўзининг иш вақти жараёнида асосий лавозими вазифалари билан бир вақтда бошқа лавозим вазифаларини биргаликда олиб борганлиги учун унинг меҳнат ҳақи (қўшимча тўловлар) миқдори иш берувчи билан келишилган ҳолда белгиланиши мумкинлиги қайд этилган. Бунда қўшимча тўловлар асосий лавозим маошига фоиз ҳисобида, бироқ лавозим маошидан (100%) ортиқ бўлмаган миқдорда ҳисоблаб берилади.

Шуни эътиборга олиш керакки, меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлан-

## ҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИШ

**Ўртоғим билан тарафларнинг келишув-ви бўйича 2011 йил 14 октябрдан бошлаб меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қўшимча келишув тузилган эди. Бироқ 10 октябрдан у касаллик варақаси очтирди. Иш берувчи у билан меҳнат шартномасини 2011 йил 14 октябрдан бошлаб бекор қила оладими?**

**Р.Иброҳимов.**

– Мазкур ҳолда иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини меҳнат шартномасига қўшимча келишувда кўрсатилган санадан, яъни 2011 йил 14 октябрдан бошлаб бекор қила олади. МК 100-моддасининг учинчи қисмида белгиланган ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътиллари бўлган даврида у билан меҳнат шартномасини бекор қилишни тақиқлаш, корхонани тўлиқ тугатиш ҳолларидан ташқари, фақат меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра, яъни МК 100-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган асосларга таяниб бекор қилиш ҳолларигагина татбиқ этилади.

## ИККАЛА ТАРАФНИНГ РОЗИЛИГИ БИЛАН

**Ташкилот жамоа шартномасини тузиши мажбурийми?**


**МЧЖ директори.**

– Жамоа шартномасини тузиш бўйича музокаралар ташаббускори бўлиб тарафларнинг исталгани чиқиши мумкин. Агар на ходимлар, на иш берувчи жамоа музокараларини ўтказишни талаб қилмасалар, ушбу ҳолда жамоа шартномаси тузилмайди. Бу – йўл қўйса бўладиган вазият.

## ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Одам савдоси ва унга қарши кураш бугунги кунга келиб, яъни глобаллашув даврида инсониятнинг олдидан турган жиддий муаммоларидан бирига айланди.**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишга қаратилган бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатлари қабул қилинган.**



Бу борада республикаимизда ҳам қатор кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Юртимизда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилган, мамлакатимиз эса одамларнинг яширин трафикага қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.

2008 йил 17 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Ушбу Қонун одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қонуннинг асосий мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Бундан ташқари, Қонунда одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари, бу фаолиятни бевосита амалга ошириш бўйича масъул давлат органлари, уларнинг вазифалари, ваколатлари белгилаб қўйилган.

Бироқ кенг қамровли ишлар олиб борилишига қарамай, айрим юртдошларимиз одам савдоси қурбонига айланиб қолишмоқда. Ушбу ҳолатларнинг асосий омилларидан бири фуқароларимизнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмасликлари десак хато қилмаймиз. Мамлакатимизда фуқароларимизнинг чет элга бориш ҳамда ишга жойлашиш тизими мавжуд ва кўп фуқароларимиз бундан унумли фойдаланишмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонуний йўл билан чет элга чиққан фуқароларимиз қайси давлатга боришмасин авваламбор шу давлатнинг ва шунингдек бизнинг давлатимизнинг гамхўрлиги остида бўлади.

Лекин айрим юртдошларимиз бу йўлни танламасдан, номаълум кимсаларнинг гапига ишониб мўмай пул топиш илинжида қалтис йўллар билан чет элга ишга боришмоқда ва ўзларини беихтиёр кулликка топширишмоқда. Яқинда шу йўл билан чет элга бориб келган бир фуқаро билан гаплашиб қолдим. Ўртоғининг гапига ишониб Рос-

сиянинг Санкт-Петербург шаҳрига иш қидириб борибди. Елиб-югуриб ишга ҳам жойлашибди. Лекин иш оғир жисмоний куч талаб қиладиган меҳнатдан иборат экан. Берадиган ойлиги етарли эмас. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлган паспортини иш берувчилар олиб қўйишибди. Ўтадиган жойнинг ҳам тайини йўқ. Кичкинагина бир хоналик уйда ўзига ўхшаган ўттиз одам ижара ҳақи тўлаб туришар экан, ҳар куни тонг саҳарлаб ишга кечикмай деб ҳатто юз-қўлини ювишга ҳам улгурмасдан (чунки навбат ҳар доим ҳам келмас экан) хонадан чиқиб кетишар экан. Кўчаларда миграция ходимларининг мунтазам текширувлари, уларнинг таъна-дашонларини айтмаса ҳам бўлар экан. Охири ҳамма нарсадан безор бўлиб, уйига қайтиб келибди.

Ёки яна бир мисолни олайлик. Шу йилнинг бошида пойтахтимизда яшовчи юртдошларимиздан бирининг соппа-соғ тоғни урса талқон қиладиган 25 ёшли ўғли Россия давлатида ишлаб юриб вафот этди. Унинг ўлими сабаблари (бу бахтсиз ҳодисаи ёки бошқа нарсаси) номаълумлигича қолди, марҳумни ўз юртига олиб келиш ва дафн этиш масалалари унинг яқинлари ва оила аъзоларига жуда мушкул кечди. Афсуски бундай мисоллар кам бўлса ҳам лекин ҳаётимизда учраб турибди. Шунинг учун ҳам чет элга бориб ишлаб пул топаман деган ҳар бир инсон олдиндан ҳар томонлама пухта ўйлаб қонуний йўллар билан чет элга чиқиш ва ишга жойлашиш йўлини тутмоғи лозим, негаки одам савдоси қурбонига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу билан у нафақат ўзига, балки оила аъзолари ва яқинларига ҳам қўшимча муаммолар туғдиради.

Одам савдосига қарши курашишдан кўзланган асосий мақсад аслида юртимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини ифодалашдир. Шундай экан, юртимизнинг ҳар бир фуқароси ушбу долзарб масалада ўзининг актив муносабатини намоён этмоғи лозим.

**М.Х.МАНСУРОВА,**  
**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 7-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси.**



**Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,**  
**«Ноғта» МЧЖнинг катта эксперт-юристи.**

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
28.03.2008 йилдаги 00842-сон лицензия  
ЎзР АВНИНГ 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

**Ўзбекистоннинг бутун худудида барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади**  
**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга тақлиф этилади

Тел.: (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс: (8371) 296-52-15

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 2 ноябрдаги 10-1109/18381-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "IRISA KABIR" МЧЖ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими К.Исмоилов тайинланган. Ушбу корхонага тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Корхонага алоқадор шахс ва корхоналарнинг мувожаатлари 1 ой давомида куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хона.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2005 йил 16 майда рўйхатдан ўтган "TRI KARATA" ХФ (СТІР 204444863) бўйича таъсисчининг 2011 йил 27 августдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик шаҳар, Примкулова кўчаси, 136-уй, 23-хонадон.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 28 майда рўйхатдан ўтган "XAZRATI XUJOBIDDIN BIZNES" ХК (СТІР 301623798) бўйича таъсисчининг 2011 йил 10 октябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Пскент тумани, Х.Қодиров ж/х.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2005 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтган "SHEGAY ROMAN" ХК (СТІР 205605882) бўйича таъсисчининг 2011 йил 6 октябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик шаҳар, А.Темур кўчаси, 8-уй, 39-хонадон.

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b> Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.  Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.	<b>ХИЗМАТЛАР</b> Тез ва сифатли. Лазерли принтерлар ва ксероксларни жойига чиқиш билан таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. 370-15-12.  Принтерлар ва ксероксларни юқори малакали таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. 157-31-19.  Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95; 233-17-56, 236-76-46.	Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.  Курилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.  Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.  Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93. <b>*Хизматлар лицензияланган.</b>	
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</b> Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Текширувга тайёргарлик. Тел.: (+99890) 319-62-37.			
<b>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</b> Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.			

**\*Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 28 октябрдаги қарорларига асосан Сергели туманидаги тугатилаётган корхоналар**

Корхона номи	Реестр рақами	ва санаси	Қарор рақами
"TRIZET BIZNES" МЧЖ	002584-06	29.04.2010	10-1108/17682
"KAMOLXON MAT'YAM BIZNES" МЧЖ	001400-06	29.08.2007	10-1108/17696
"UMMONABONU" МЧЖ	002901-06	15.02.2011	10-1108/17686
"DESPERADO INTERNATIONAL" ХК	001435-06	10.10.2007	10-1108/17687
"SUNBEAM" МЧЖ	002294-06	12.11.2009	10-1108/17698
"KAMALAK-BINAFSHA" МЧЖ	002573-06	20.04.2010	10-1108/17685

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари ҳамда бирламчи ҳужжатлари, гувоҳномаси бекор қилинади.

**\*Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 29 сентябрдаги қарорларига асосан Сергели туманидаги тугатилаётган корхоналар**

Корхона номи	Реестр рақами	ва санаси	Қарор рақами
"OPTIMAL INVEST UNIVERSAL" МЧЖ	002229-06	30.09.2009	10-1116/15127-т
"QURUVCHI KO'RKI" МЧЖ	41	17.01.2000	10-1116/15148-т
"SUNAYL BARAKA SERVIS" МЧЖ	001844-06	17.11.2008	10-1116/15128
"BAYRAM ROHAT" МЧЖ	000876-06	29.05.2006	10-1116/15140
"BOTALQ" ХК	002375-06	11.01.2010	10-1116/15129
"DAVR NIGOXI NASHRIYOTI" МЧЖ	001575-06	06.03.2008	10-1116/15147-т
"ZUNAYL" ХФ	06-000196	09.05.2002	10-1116/15130-т
"SARVAR SARDOR SERVIS" МЧЖ	000822-06	01.05.2010	10-1116/15135-т
"BILOL LUX SERVIS" ХК	000987-06	25.09.2006	10-1116/15132-т
"DIYORABONU QANDOLAT" МЧЖ	002046-06	07.05.2009	10-1116/15131-т
"AERO TRANS SERVIS" МЧЖ	002760-06	13.10.2010	10-1116/15137
"TOSHKENT-APEX" МЧЖ	002332-06	14.12.2009	10-1116/15138-т
"ISSAN KIM" МЧЖ	002771-06	28.10.2010	10-1116/15145-т
"EDNA GROUP" МЧЖ	002718-06	27.08.2010	10-1116/15139-т
"BEKZOD-TIJORAT" ХК	000260-06	06.07.2004	10-1116/15141-т
"SHAVKAT-MIRZO SERVIS" МЧЖ	002134-06	22.07.2009	10-1116/15146-т
"SHOXRUX-SHUXRAT SAVDO" МЧЖ	002701-06	06.08.2010	10-1116/15136-т
"PROJEKT DE LUX" МЧЖ	002680-06	22.07.2010	10-1116/15143-т
"BILLUR-SECURITY" МЧЖ	001715-06	07.07.2008	10-1116/15133-т

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари ҳамда бирламчи ҳужжатлари, гувоҳномаси бекор қилинади.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2011 йил 25 февралда рўйхатдан ўтган "OLMALIQ ILHOM NET" ХК (СТІР 301868785) бўйича таъсисчининг 2011 йил 6 октябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик шаҳар, Амангелди кўчаси.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2011 йил 20 январда рўйхатдан ўтган "ANVARBEK MARG'UBA BIZNES" ХК (СТІР 301807053) бўйича таъсисчининг 2011 йил 20 октябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик шаҳар, Китве кўчаси, 46-уй, 51-хонадон.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 4 октябрдаги 10-1119/14914-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бектемир туман ДСИ рўйхатидан ўтган "YUJEL ELEKTRONIK" хорижий корхонаси (СТІР 205690922) тугатилмоқда. Корхонага тегишли думалоқ, бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари, таъсис шартномаси ҳамда Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларининг асл нусхалари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Олтинтопан кўчаси, 8-уй. Тел. 292-97-40.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2009 йил 9 февралда рўйхатдан ўтган "ARSENAL LONDON" ХК (СТІР 301057189) бўйича таъсисчининг 2011 йил 12 октябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик шаҳар, Кўрпасой кўчаси, 32-уй. Тел.: +99898-125-63-63.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2006 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтган "POGODA V DOME" ХК (СТІР 206790339) бўйича таъсисчининг 2011 йил 18 октябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик шаҳар, Т.Малик кўчаси, 8-уй.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2003 йил 27 августда рўйхатдан ўтган "SOLIS" ХФ (СТІР 204655047) бўйича таъсисчининг 2011 йил 27 сентябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик шаҳар, А.Темур кўчаси, 12-уй, 40-хонадон.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан рўйхатдан ўтган "ZHISTEL STORY KOMPLEKT" МЧЖ (СТІР 301696028) бўйича таъсисчининг 2011 йил 12 сентябрдаги қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробот кўчаси, 17-уй, 16-хонадон.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**

ХУҚУҚ  
СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ  
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
тел. 283-44-57  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz  
Нашр учун масъул:  
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келвермайди.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Norma maslahatchi" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс - 186 Бузуртма 1320 Адади 3875. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2011 йил 18 ноябрда соат 21.00 да тошйрилди.  
ISSN 2010-5223